

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**116** Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–302-сон Қонунини амалга ошириш, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш тартибининг ягона тарзда қўлланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи ишлаб турган савдо объектлари жойлашувини қайта кўриб чиқиш бўйича 1-иловага\* мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

---

\* 1-илова берилмайди.

2. Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи ишлаб турган савдо объектлари жойлашувини хатловдан ўтказиш, шунингдек уларни янги жойларга жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи ҳар бир савдо объекти бўйича қайта жойлаштиришнинг аниқ муддатларини белгилаш, шунингдек жойлаштириладиган янги жойларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи савдо объектларини оптималлаштириш ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ жойлаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи савдо объектларининг амалдаги жойлашuvi ҳамда жойлашuvi қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган савдо объектларини қайта жойлаштириш юзасидан таклифларни уч кун муддатда Ишчи гуруҳга тақдим этсинлар;

Ишчи гуруҳ қарори асосида, белгиланган муддатларда, савдо объектлари қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бинолар ва хоналарга қайта жойлаштирилишини таъминласинлар;

Ишчи гуруҳнинг чакана савдо объектлари қайта жойлаштирилиши, уларни қайта жойлаштириш муддатлари ва жойи тўғрисидаги қарорини тегишли тадбиркорлик субъектларига етказсинлар;

тегишли савдо объектларини қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган янги жойларга қайта жойлаштиришда тадбиркорлик субъектларига зарур ёрдам кўрсатсинлар.

4. Ишчи гуруҳ (Азимов Р.С.) алкоғолли маҳсулотларни чакана сотувчи ишлаб турган савдо объектларининг жойлашувини хатловдан ўтказиш асосида уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари кўриб чиқилишини ва келишилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ишлаб турган савдо объектлари улар янги жойга жойлаштирилгунга қадар, кечи билан 2012 йил 1 октябргача илгари берилган рухсат гувоҳномаларига мувофиқ алкоғолли, шунингдек тамаки маҳсулотлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бундан буён алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари беришда алкоғолли маҳсулотларни чакана сотиш объектларини жойлаштириш юзасидан қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда киритсинлар.

9. Умумий овқатланиш корхоналарига алкоғолли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун илгари берилган рухсат гувоҳномалари улар берилган муддат тугагунгача амал қилиши ҳамда алкоғолли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 7 март,  
65-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 7 мартдаги 65-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида (қарорга 1-илова):

а) 3-банднинг еттинчи хатбошидаги «умумий овқатланиш савдо объектлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 63-банддаги «Умумий овқатланиш савдо объектларида алкоғолли

ичимликлар прејскурантларида ичимликлар номи, бутилкасининг сифими, бутилка умумий сифимининг, шунингдек 100 ёки 50 граммининг нархи кўрсатилиши керак» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларида (қарорга 2-илова):

а) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «савдо объектида» сўзлари «корхонасида» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «савдо объектларининг» сўзлари «корхоналарининг» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «савдо объекти» сўзлари «объект» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 15-банддаги «савдо объектлари» сўзлари «умумий овқатланиш объектлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 19-банддаги «савдо объектларидаги» сўзлари «корхоналарида» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан белгиланган тартибда бериладиган рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлганда сотилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида алкоғолли ичимликлар прејскурантларида ичимликлар номи, бутилкасининг сифими, бутилка умумий сифимининг, шунингдек 100 ёки 50 граммининг нархи кўрсатилиши керак».